

БӨЛІМ: САБАҚ ЖОСПАРЛАРЫ

Шавкат Раҳмон. Шеърлари

ЖАРИЯЛАНДЫ
02.03.2023СІЛТЕМЕ
<https://bilimgger.kz/133287/>

Мектаб	№13 А. Навои номили УЎМ		
Фан	Ўзбек адабиёти		
Узоқ муддатли режа бўлими	Мисраларда яширинган ҳақиқат		
Ўқитувчи исми-шарифи	Мавланкулова С. Х.		
Сана	10 .02.2023й.		
Синфи: 9	Қатнашганлар сони:	Қатнашмаганлар сони:	
Дарс мавзуси	7-дарс. Шавкат Раҳмон. Шеърлари		
Таълимий мақсадлар	9.2.2.1 муаллиф қиёфасининг ғоявий-услубий туташтирувчи сифатидаги ролини таҳлил қилиш 9.3.3.1 асарнинг ғоясини умумбашарий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, адабий эссе ёзиш		
Дарс мақсади	— Муаллиф қиёфасининг ғоявий-услубий туташтирувчи сифатидаги ролини таҳлил қилиш — Асарнинг ғоясини умумбашарий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, адабий эссе ёзиш		
Дарснинг бориши			
Дарс бошқичлари	Ўқитувчининг иш-ҳаракати	Ўқувчиларнинг иш-ҳаракати	Баҳолаш
Дарснинг кириш қисми 5-7 дақиқа	Саломлашади. Давоматни аниқлайди. Ўқувчиларни 2 гуруҳга бириктириш: . Уйга вазифани кузатади ва саволлар орқали синаб кўради: "От кишнаган оқшом" асари буйича "Блиц турнир" ўтказиш: 1. Асардан қандай таасурот олдингиз? 2. Асарнинг ғоявий моҳияти нимада? Видеолаваҳа "Нархи қанча меҳринг, айтинг!"	Саломлашади. "Яхши тилак, ҳар ишда ҳамдам" бир-бирларига яхши тилаклар билдиради. Ўқувчилар қирқма рангли қоғозларни бириктириш орқали гуруҳларга бўлинади. "Ақлий ҳужум" саволларига Тоғай Муроднинг қиссаларининг аҳамиятига суянган ҳолда жавоб беради:	Қилиштирувчи баҳолаш 5 - ҳаракат қил 6 7 -яхши 8 — Балли 9- офарин 10 https://youtu.be/kpWyfisDUzs 9-синф ўзбек адабиёти

<p>Дарснинг асосий қисми 30-35 дақиқа</p>	<p>Янги дарс: Видеославха кўрсатиш орқали янги дарсни очиш. 1-топширик. “Кластер” усулида 2 гуруҳ шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар тўплашади.</p> <p>2-топширик. Шавкат Раҳмоннинг “Савол”, “Бўрилар” шеърлари билан танишиш учун “Мозайка” услубидан фойдаланамиз. Бунда билим олувчилар аралаштириб берилган шеър матнларини кетма-кет йиғиб, шеърни ўқийдилар.</p> <p>БЎРИЛАР Қирғин келди вабо келгандай, мурдалар ҳам турди гўрида — кўпикланган қора селлардай уриб кетди қонхўр бўрилар. Очлик ўрган туркий ўлкада, офат чиққан маконларда ҳам парчаланган зулмат кўлкаси пайдо бўлар эди дафъатан. Кунлар очик ярадай қонли, тунлар — оидин харобазорлар, жасадларга тўла тонгларни сиркиратар фарёди борлар. Эл қирилди туркий ўлкада, ер қолмади — келди ажали, ким қонига ботди йўлкада, ким ёғилди намоз маҳали. Йиллар ўтди. Гўё ҳаммани чалғитгандай вақтинча кулфат, қонга ташна милён шарпани яширгандай қаърида зулмат. Аҳли муслим, энди огоҳ бўл, қонхўр гала ҳали тириждир, улар бўлсанг озодалардай ул, қолар бўлсанг энди бириккин. Токим евуз тумшугин суқса, аждодларнинг азиз гўрига, жим турмасин қуй мижзли халқ, бас келолмай битта бўрига. Кўрсам дейман қахру ғазабдан гўрларида турсин мурдалар, руҳи озод булсин азобда гулларини суйиб юрганлар. Токим хар бир муслим қабрига ҳеч яширмай кўзда ёшни, авлодлар ҳам лаънат лавҳимас, қўйса дейман қабр тошини. 3-топширик. Гуруҳда ишлаш. Венн диаграммаси ердамида шоирнинг шеърларини бошқа шоир шеърлари билан қиёслаш топширилади.</p>	<p>Ўқувчилар иш дафтарларига бугунги сана ва янги дарс мавзусини ёзадилар.</p> <p>1- Гуруҳ шоирнинг ҳаётини , 2-гуруҳ ижодини тўплаштириб, таҳлил қилади.</p> <p>Хаеитёе</p> <p>. Шеърнинг матнини йиғади Шеърний матндан калит суз ва ўз бирикмаларини аниқлайди.</p> <p>САВОЛ Ким эдимۇ ким бўлдим энди, Қайга кетар ёшлигим, кучим, Исёнларга, ғазаб, нафратга, Оғриқларга тўладир ичим... Кўпроқ ашаб қўйдим Шекилли: Ой, кун сайин хотирам — оғир, Етти қават осмон тепамда, Елкаларим сирқираб оғир. Ташладими ёки бир умр Кўзимга ғам кўлкаларини, парвардигор, бор бўлсанг агар, Эзма ўғлим елкаларини... Ким эдимۇ ким бўлдим энди, Кўриб турар кўёш, сув, тупроқ. Кўзларимдан кўра ҳаётни Елкаларим кўрибди кўпроқ...</p> <p>Венн диаграммасига ўзлари билган шоирнинг шеърларини Ш. Раҳмон шеърлари билан солиштириб ёзади.</p>	<p>Қолиплаштирувчи Баҳолаш Оғзаки рағбатлантирувчи сузлар Балл системаси билан баҳолаш: 5 - ҳаракат қил 6 7 -яхши 8 — балли 9- офарин 10</p> <p>Дескрипторлар: -шоирнинг ҳаётини ўрганди; Шоирнинг ижоди ҳақида маълумотлар тўллайди.</p> <p>Дескрипторлар: -Шеърнинг қайси мисраси энг муҳим эканлигини далиллайди; -Мазмунни ҳаёт билан боғлаб далиллайди;</p> <p>Қолиплаштирувчи Баҳолаш Оғзаки рағбатлантирувчи сузлар Балл системаси билан баҳолаш: 5 - ҳаракат қил 6 7 -яхши 8 — балли 9- офарин 10</p> <p>Дескрипторлар: — Шоир шеърларининг ўхшашлигини ёзади — Шеърларининг фарқларини тўлдиради.</p>
<p>Дарс якуни 5-7 дақиқа</p>	<p>ҚАЙТА БОҒЛАНИШ: “Муваффақият” зинапояси Уяга вазифа: Шеърни ёд олиш.</p>		

ҚМ АА Куәлік нөмірі: **KZ45VPY00102718** — ҚР Мәдениет және Ақпарат министрлігі

© 2026 **Bilimger.kz** Ақпараттық-танымдық білім порталы. Барлық мазмұн авторлық құқықпен қорғалған.